

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари,
СССР Госплани Раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВ доклади

дир.

2 миллиард сўм қараганда 7,6% ажратилди. Бюджетидан социал стратегияга 1 миллиард сўм эса шу йилгидея 7,6 проценти

Спорт

КАТТА ФУТБОЛ МУКОФОТЛАРИ

Бу йилги футбол мавсумининг тошкентлик футболчилари мамлакат чемпионлари, кумуш ва бронза медаллари эгаллари газетхонларимизга маълум. Бу асосий мукофотлардан ташқари катта футболнинг бошқа совринлари ҳам маълум. Ҳўш, бу совринлар кимга тегишди?

Энг кўп йиллик ҳисоб билан галаба қозonganлик учун берилган мукофот Киев динамочиларига тегишди. Киевликлар бу мавсумда беш марта катта ҳисоб билан галабага эришганди. («Арсенал»ни 4:1, «Урал-машини» 5:0, «Зенит»ни 4:0. Кутаиси «Торпедо»сини 3:0 ва Минск «Динамо»сини 3:0 ҳисобидан ютганди.

Халол ўйнаганлиги учун «Советский спорт» газетаси редакцияси таъсис этган мукофотни бу йил Свердловскнинг «Уралмаш» командаси кўлга киритди. Бу коллектив бутун мавсум давомида атиги бир мартагина оғошланган эди.

Мамлакат чемпиони бўлиш Москва спартакчилари энг кўп тўп киритганлиги учун берилган Григорий Федотов номи мукофотни эгалладилар. Улар бу мавсумда рақиблари дарвозасини 51 марта ишғол этдилар. Спартакчилар шунингдек, рақиблар майдонларида энг кўп очко олганликлари учун «Аррессив меҳмон» деб аталган мукофотни ҳам кўлга киритишди. Спартакчилар рақиблар майдонига бошқа командаларга қараганда энг кўп—26 та очко олди.

Чемпионлар киритган ва ўз дарвозасидан ўтказиб юборган тўплар айирмаси энг яхши бўлган команда учун берилган мукофотни ҳам «Бетона қилинмиш». «Спартак»нинг тўплар айирмаси мусбат 36 тага тенг бўлди.

«Огонек» журнали редакцияси киевликлар дарвозабони Е. Рудаковни бу мавсумдаги энг яхши дарвозабон деб топди ва унга ўз мукофотини топширди.

Москвада «Динамо» коллективни ўтган чемпионатда энг иродали команда бўлиб қолди. Динамочилар тўрт учрашувда рақибларига ютқазиб туриб, сўнг ўзини галаба билан тутатишга муваффақ бўлдилар. Шунинг учун ҳам «Советская Россия» газетаси таъсис этган «Галабага бўлиш» мукофотини олди.

Дублерлар мусобақасида голиб чиққанлиги учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг мукофоти Донецкий «Шахтер» футболчиларига тегишди.

Асосий составлар ва дублерлар составининг жами очколари энг кўп бўлгани учун Киевнинг «Динамо» футболчилари СССР футбол федерациясининг кўлга киритдилар.

Мавсумда энг кўп тўп киритганлиги учун берилган «Труд» газетасининг мукофотига биригўла уч футболчи Н. Осянин («Спартак»), В. Проскурянин (СКА, Ростов-Дон) ва Д. Херхадзе («Торпедо», Кутаиси) даъвогар. Газета редколлегияси ўз мукофотини кимга топшириш ҳақида ҳозирча қарор қабул қилгани йўқ.



Пойтахтимиздаги 179-мактаб ўқувчилари доҳий юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Мактабда Ленин биографияси-га оид қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Понерлар кучи билан ранг-баранг фото альбомлар ташкил этилган. Суратда: 6-синф пионерлари доҳийга бағишланган альбомни кўздан кечиришмоқда. Ю. Содиқов фотоси.

БАРҲАЁТ УМР

Яқинда Тошкент Округ офицерлар уйида В. И. Ленин юбилейига бағишланган виставканинг очилиш маросими бўлди. Округ офицерлар уйи бошлигининг ўринбосари майор Николай Крутов доҳийнинг революцион фаолияти, ҳамда барҳаёт таълимоти ҳусусида тўхталиб, тўплаганларни музейни тамоша қилишга таклиф этди.

«Волода Ульяновнинг болалик ва ўсмирлик йиллари» бўлимида ёш Лениннинг Симбирск гимназиясига кириши, ўқувчилик йилларини акс эттирувчи фотосуратлар билан танишиш мумкин. Қўшни бўлимда Владимир Ильичнинг студентлик йиллари, студентлар

намоишида иштирок этиши ўз аксини топган.

Музейнинг навбатдаги бўлими доҳийнинг 1900 йиллардаги фаолиятига бағишланган. Шу йилги дунёда янги типдаги биринчи болшевиклар партияси ташкил этилди. Ранг-баранг суратлар «Материализм ва эмпириокритицизм» асарининг яратилиши, Владимир Ильичнинг мухожирликдаги ҳаёти ва фаолияти, Прага конференцияси ҳақида ҳикоя қилади.

В. И. Лениннинг 1917 йил июль ойида Разлив станцияси яқинидаги чайлада яшириниб туриши, унинг революцияга раҳбарлик қилиши, Совет давлатининг дастлабки

йилларидаги фаолияти билан виставканинг тўртинчи бўлимида танишиш мумкин. Суратлар орасида Лениннинг 1921 йил 1 майда Умумироссия шанбадаги қатнашиши, инглиз ёзувчиси Герберт Уэлс билан суҳбатлашган пайти, Горкадаги кабинетда ишлаб ўтиргани ҳамда РКП(б)нинг X съездида делегатлар билан учрашуви акс этган суратларни кўра-миз.

Сўнгги бўлими «КПСС Ленин йўлидан бормоқда» деб номланган. Унда совет фани ва техникаси ютуқлари, биринчи бўлиб фазони забт этган қаҳрамон космонавтримиз, сановат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кўлга кири-

тилган ютуқлар билан танишиш мумкин.

Николай Федорович Крутов Ленин юбилейи мусобақати билан Округ офицерлар уйида ўтказилаётган айрим тадбирлар ҳақида гапириб берди:

— Ҳозирги кунда,— дейди у,— офицерлар уйи коллективи доҳий юбилейи олдидан талайгина тадбирлар белгиланган. Ҳафтада бир марта В. И. Лениннинг ҳаёти, революцион фаолиятига бағишланган кечалар ўтказилмоқда. Уларда, офицер-лекторлардан Н. Злобин, Н. Березняк, В. Глебский ва И. Шевченколар лекция ва суҳбат билан чиқмоқдалар.

И. Юсупов.

ХУШҲАБАРЛАР. ЯНГИЛИКЛАР

МЕХНАТКАШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Навоний номи колхоз правлениеси ҳамда партия ташкилоты ташаббус билан ўтган йили 200 хонадон газлаштирилган эди. Бу йил эса «зағоғи оловдан баҳраманд бўлувчи»лар сафи янада кенгайди. Яқинда 150 хонадон тўла-тўқис газлаштирилди.

Х. ТОШМАТОВ, Янгийўл райони.

ЯНГИ КЛУБЛАР

Яқиндаги совхознинг 2-, 3-, 4-бўлимларида янги клуб бинолари қўриб фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир бу ерлар пахтакорлар билан гавжум бўляпти. Клубларда кинофильмлар намоиш этилмоқда, концертлар уюштириляпти.

А. ЭТАМҚУЛОВ, 3-«Далварзин» совхоз.

СОВХОЗДА РАДИОТЕЛЕФОН

Султон Сегизбоев номи совхозда «РСВ-1» радиотелефон аппарати ишга туширилди. Янги мослама совхоз раҳбарларига ҳўжалиги бошқаришда жуда қўл келмоқда.

С. МУСТАФОЕВ, Оққўрғон райони.

«Ўзбекфильм» киностудияси коллектив «Қора элчининг фалонати» фильмини суратга олмақда. Бу фильм меҳнаткашларнинг Бухоро хонлигига қарши олиб борган фидоюрона кўраши ҳақида ҳикоя қилади. Фильмга сценарий автори Комил Ерматов режиссёрлик қилмоқда. Суратда: СССР Халқ артисти И. Ерматов фильм қатнашчилари билан суҳбатлашмоқда. Л. Глауберзон фотоси.

БИДИРИШ

Тошкент ишчи муҳбирлар университетининг тингловчиларининг навбатдаги машғулоты бугун ўтказилди.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕ АЛАР

БАЗАЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

ТРИПОЛИ, 15 декабрь. (ТАСС). Англия ҳўкумати Ливия Араб Республикасининг Британия қўшинларини бу мамлакат территориясидан олиб чиқиб кетиш ва Ливиядаги инглиз ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисидаги талабига рози бўлди. Триполи радиоси хабар беради: Ливиядаги инглиз ҳарбий базаларини тугатиш муддатларини белгилаш масаласи юзасидан Триполида ўтказилган музокараларда қатнашувчи Ливия делегациясининг бошлиғи шу тўғрисида гапирди. Инглиз ҳарбий базаларини эвакуация қилиш 14 декабрда бошланган 1970 йил март ойининг охирида тавомланади.

ЭВАКУАЦИЯ БОШЛАНДИ

ТРИПОЛИ, 15 декабрь. (ТАСС). ЛНА агентлиги хабар беради: кеча инглиз ҳарбий базаларининг ходимлари Ливия Араб Республикасининг территориясидан чиқиб кета бошладилар. Ливия ҳўкумати тавофики мувофиқ Англия ўзининг ҳарбий хизматчиларини Ливия Араб Республикасининг территориясидан олиб чиқиб кетишга розилик билдирган эди.

Американинг Ливия территориясидан Уилс Филд ҳарбий ҳаво базасини тугатиш тўғрисидаги музокаралар эртага бошланади, деб хабар беради агентлик.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Глоблар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ. Рус тилида: 18.00 — Телефильм. Ўзбек тилида: 18.10 — «Қизил галстун» тележурнали, 18.45 — Миллионлар ленинча университети, 19.00 — Концерт, 19.40 — Тележигиликлар. 19.55 — Москва кўрсатувлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ. Рус тилида: 18.00 — Телефильм, 18.30 — Спорт панорамаси, 19.10 — Иккинчи-оммабон фильм, 19.20 — Концерт. Ўзбек тилида: 20.10 — «Марал» — мангули, 20.50 — Ўзбек халқ кўйларидан концерт, 21.30 — «Улар 19 ёшда эдилар» (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. «Наташа хоним» (бадий фильм) 21.30 — Павел Серебряков» (хўжатини фильм) 21.50 — Л. Леонов. «Бўри-сиңлар» (телеспектаклнинг иккинчи серияси).

Театр

НАВОНИЙ НОМИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРАДА — 17/ХП да Жилзель, 18/ХП да Чино-чосан. МУҚИМИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУВИКАЛИ ТЕАТРИДА 17/ХП да Фарҳод ва Ширин, 18/ХП да Уғил уйлантириш.

Кино

Она муҳаббати (1-2 серия) — «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИГИ», «ВОСТОК», НАВОНИЙ НОМИ, «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 30 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва 5 да), «ЧАНКА» (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва 5 да).

Виннету — апачалар йўлбошчиси — САНЪАТ САРОНИ (кечкурун соат 7.45 ва 9.30 минутларда), «ЧАНКА» (кечкурун соат 8 ва 9.40 минутда).

Айбис — «ЎЗБЕКИСТОН», ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Анжелика — фаршталар маликаси (2 серия) — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ҚУЙИДАГИ РАДИОМОЛЛАРИНИНГ НАРХИ АРЗОНЛАШДИ:

«ГАММА», «ВЭФ-РАДИО», «УРАЛ-2», «УРАЛ-5» радиолари, «БЕЛОРУСЬ» телерадиолари ҳамда телевизорлардан иш хил тилада эшитиш имкониятини берадиган олд қўшимчалари Тошкент номинисон торнининг қуйидаги магазинларидан харид қилишингиз мумкин:

5 — Госпиталь бозори;
6 — Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси ва «Халқлар дўстлиги» проспектининг музолиши, 5-й;
12 — Октябрь бозори;
18 — Киров ва К. Маркс кўчаларининг музолиши («Бозорлар дўстлиги» территориясида);
16 — 4 турар-жой шаҳарчаси, Ҳамза райони;

22 — Чилонзор массиви, 12-квартал «Шаҳар ярмаркаси»;

ГРАЖДАНЛАР! «ТАШНОМИС-СИНОПТИ» магазинларидан арзонлашган радио молларини сотиб олиш!